

PERSPECTIVE DIRECTIONS OF ESTABLISHMENT OF INNOVATION ENVIRONMENT IN TELECOMMUNICATION ENTERPRISES

Shaislamova Muazzamkhon Rahimkhodjayevna

Independent researcher of Tashkent State University of Economics

It is known that in order for each country to achieve high development, it is important to expand its modern communications and information technology system. As in the early years of our country's independence, the state's consistent policy in the field of communications and information is to expand the use of advanced technologies in the telecommunications sector, to meet the needs of the legislative framework in this area.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг юксак тараққиётга эришишида унинг замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ, давлатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги устувор сиёсати телекоммуникация тармоқларига илғор технологияларни кенг жорий этиш, бу борадаги эҳтиёжни тўлиқ қондириш мақсадида соҳа ривожига қаратилган мукамал қонунчилик базасини яратишдан иборат бўлди. Бугун юксак технологиялар, компьютер техникаси, глобал Интернет тармоғисиз ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул. Қолаверса, телекоммуникация соҳасини модернизация қилмай туриб, жамиятимиз тараққиётида кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу маънода, стратегик аҳамиятга эга ушбу соҳанинг ривожлантириш эртанги кун талабларига ҳамоҳанг равишда мамлакат раҳбариятининг диққат марказида бўлиб турибди.

“Ўзбектелеком” Акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларини қамраб олган йирик телекоммуникациялар оператори ҳисобланади. Замонавий технологиялар асосида қурилган ўзининг телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, компания қуйидаги хизматларни тақдим этади:

- Маҳаллий телефон алоқаси хизматини кўрсатиш
- Мобил алоқа операторлари ҳамда провайдерларига каналларни ижарага бериш;
 - халқаро ва шаҳарлараро алоқа,
 - овозли алоқа ва маълумотлар узатиш барча хизмат турларини тақдим этади,
 - интернетга уланиш,
 - видеоконференсалоқа,
 - СДМА-450 стандартида Мобил ва стационар алоқалар,
 - телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналлар ташкил қилади.

Бундан ташқари, компания давлат тизимлари ва идоралари учун энг катта телекоммуникация хизматлари етказиб берувчи бўлиб ҳисобланади. “Ўзбектелеком” АК мунтазам равишда, халқаро алоқа ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритади, халқаро телекоммуникация лойиҳаларда иштирок этади, чет эл операторлари ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарувчи компаниялар билан икки томонлама ҳамкорлик олиб боради.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ), алоқа соҳасида Минтақавий ҳамжамият (АСМХ), “Интелсат” йўлдошли алоқа ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилади, АСМХ операторлари Иттифоқига киради.

Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғи 2,0 миллиондан ортиқ рақамлар сифимига эга 2 мингдан кўп АТСлардан ташкил топган тармоққа эга ва уларнинг 93,6 фоизи рақамли ҳисобланади¹. Маҳаллий телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш электр алоқа тармоқлари иши сифатини анча оширишга имкон берди, тармоқ абонентларига янги хизмат турларини тақдим

¹Муаллиф томонидан “Ўзбектелеком” АК www.uztelecom.uz веб сайти маълумотларидан фойдаланилган.

этишни таъминлади ҳамда фойдаланувчилар кенг доирасига Интернет тармоғига юқори тезликда уланишни ташкил этишга имкон берди.

Компаниянинг транспорт тармоғи тармоқни кўп босқичли бошқаришни таъминловчи замонавий SDH тармоқ технологияларидан фойдаланиш билан оптик-толали ва радиорелели линиялар асосида ташкил этилган. Янги хизмат турларини тақдим этиш юқори сифатини таъминлаш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадида STM-1\4\16\64, DWDM ҳамда IP\MPLS туридаги юқори тезликда узатиш тизимларига босқичма-босқич ўтиш амалга оширилмоқда. Компания пакетли коммутация Халқаро маркази (ПКХМ) орқали республиканинг барча провайдерларига Интернет глобал тармоғига уланишни тақдим этади.

Интернет тармоғи ва “Ўзбектелеком” АК маълумотлар узатиш тармоғига уланиш Компаниянинг филиаллари томонидан xDSL ва RadioEthernet технологиялари ҳамда коммутацияли уланишдан фойдаланиб, ажратилган линиялар бўйича амалга оширилади.

“Ўзбектелеком” АК маълумотлар узатиш тармоғи томонидан кўрсатиладиган хизматлар қаторига Интернет тармоғига уланиш, VPN, видеоконференцалоқа, корпоратив тармоқларни ишлаб чиқиш ва қуриш ҳамда шу қабилар қиради. “Ўзбектелеком” компаниясининг VoIP Халқаро овозли шлюзи орқали унинг филиаллари томонидан олдиндан ҳақ тўланган карточкалар бўйича халқаро телефон алоқаси хизматлари ҳам тақдим этилмоқди.

“Ўзбектелеком” АК аънанавий алоқа соҳасида 20 дан ортиқ халқаро операторлар билан ҳамкорлик асосида иккита коммутация халқаро марказлари орқали халқаро телефон алоқасини таъминлайди².

Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3487-сон қарори билан тасдиқланган стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар руйхати тасдиқланган. Ушбу руйхатга “Ўзбектелеком” АК ҳам киритилган³.

Мазкур қарорни қабул қилинишидан асосий мақсад хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини оширишдан иборат.

Ушбу қонунда ўрнатилган тартибга кўра хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар:

- хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар суммасидан қатъи назар, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар томонидан тузиладиган ва уларнинг раҳбарлари бошқарадиган идоравий танлов комиссиялари баҳолайдиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш шартномаларини, шу жумладан, импорт шартномаларини тузиш ҳуқуқига эга;

- қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишга бўлган техник топшириқлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ўтказилади;

² Муаллиф томонидан “Ўзбектелеком” АК www.uztelecom.uz веб сайти маълумотларидан фойдаланилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3487-сон [қарори](http://www.lex.uz).

• мазкур банд билан назарда тутилган тартибда, энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тўғридан-тўғри музокаралар асосида стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар томонидан тузилган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ минг бараваридан ошган импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилади.

Корхоналарда инновацион менежмент доимий мониторинг ва унинг самарадорлигини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу эса ушбу фаолиятнинг услубий жиҳатларини ўрганиш ва уни баҳолашни тақозо этади. Инновацион фаолиятни амалга ошириш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни бошқаришнинг ташкилий -иқтисодий механизмининг сифатига боғлиқ. Унинг муҳим хусусияти корхонанинг ташкилий тузилиши ва ўзгарувчан ички ва ташқи омилларга мос равишда ўз вақтида ўзгариши ҳисобланади. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг ташкилий -иқтисодий механизмини ишлаб чиқишда (такомиллаштиришда) корхоналар кўпинча уни амалга ошириш учун ажратилган молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланишга дуч келадилар.

“Ўзбектелеком” АК хизматлар кесимида даромад таҳлиliga кўра 2016 йилда жами даромадлар 353,9 млн. сўмга тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич қарийиб 6 баробарга ортган. Агар 2015 йилда компания даромадларини асосий қисмини 42,3%ини интернет хизматларидан, уй телефонида- 32,7% ва 20%-мобил алоқа хизматлари кўрсатишдан олинган бўлса, 2020 йилга келиб бу тақсимотда катта ўзгариш бўлиши кутилмоқда, жумладан, компания даромадларини қарийиб яримидан ортиғини яъни 61% ташкил этиши кутилмоқда. Даромад бўйича кейинги ўринда интернет хизматларидан даромад-30,4% ташкил этади. Таҳлил этилаётган давр мобайнида Мобил алоқа хизматидан даромад 2020 йилга келиб 2016 йилда олинган даромаддан 14 баробар кўп бўлади. Шу давр мобайнида интернет хизматларидан даромад 3 баробарга ортган. Уй телефони хизматидан даромад 21% камайган⁴.

Демак хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, компанияни инновацион фаолиятини ривожланиши жаҳон тенденцияларига мос экан. Дунё бўйича телекоммуникация хизматлари бозори таҳлиliga кўра мобил алоқа хизматлари бозорнинг 67% эгаллаган. Бу рақамлар Жаҳон ва Ўзбекистон бўйича бир бирига жуда яқин ҳисобланади. Телекоммуникация соҳасига жорий этилаётган асосий инновациялар қаторида биринчи ўринни эгалаган кенг полосали мобил алоқани ривожлантириш (5G) бўйича ишларни амалга ошириш истиқболлар компания учун катта даромад келтириши ҳамда рақобат муҳитида катта устунликка эга бўлишига олиб келади⁵.

“Ўзбектелеком” АК ишлаб чиқариш қувватлари таҳлиliga кўра, учта йўналиш бўйича, яъни телефония, интернет ва мобил алоқа йўналишларида ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилди. Телефония йўналиши бўйича мавжуд қувватлардан фойдаланиш кўрсаткичи 2018 йилда-58% ташкил этган бўлса 2020 йилда бу кўрсаткич-70% тенг бўлган. Ўсиш даражаси 12% тенг бўлган. Мамлакатимизда интернет ва мобил алоқанинг ривожланиши бу хизмат турига бўлган талабни пасайишига сабаб бўлмоқда. Интернет хизматларини ривожлантириш бўйича 2020 йилда фойдаланиш кўрсаткичи 70% ташкил этган, бу кўрсаткич 2018 йилда 41% тенг бўлган. Ўсиш даражаси 29% тенг бўлган. Бу интернет хизматларига бўлган талабни кескин ошиши орқали рўй бермоқда. Агар 2018 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони 413 625 тани ташкил этган бўлса, мавжуд қувват 785 621 тани ташкил этган. 2020 йилга келиб, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари қарийиб 2 баробарга ортиб 1 418 250 тани ташкил этган бўлса, мавжуд талаб қарийиб 3 баробарга ортиб 999 128 тани ташкил этган. “Ўзбектелеком” АК сини асосий даромад келтирадиган хизмат тури ҳисобланган мобил алоқа хизматлари ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Агар 2018 йилда мавжуд қувватлар миқдори 9 100 000 та абонентга мўлжалланган бўлса, шунинг 34% яъни 3 058 163 таси мижозлар томонидан фойдаланилган бу жами қувватнинг 38% тенг демакдир.

⁴ “Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁵ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мобил алоқа хизматларини жозибадорлиги ва пандемия шароитида бу хизмат турига талаб кескин ошишига олиб келди. 2019 йилда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 3 845 197 тани ташкил этиб, жами қувватларнинг 42% ташкил этган. 2020 йилда эса 7 020 800 фойдаланувчилар мавжуд бўлган. Бу жами қувватнинг 77% тенг бўлган.

Муаллиф томонидан “Ўзбектелеком” АК инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги йўналишлар бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган:

- Амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар мониторингни амалга оширувчи автоматлаштирилган назорат тизимини ишлаб чиқиш;
- Хизматлар кесимида даромад таҳлили кенгроқ амалга ошириш орқали инновацион хизматларни ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;
- Ҳар бир хизмат бўйича сарфланган харажатлар ва даромадларни алоҳида ажратиб олган ҳолда ҳисоб юритиш тизимини жорий этиш;
- Ишлаб чиқариш қувватларидан максимал даражада фойдаланишни ташкил этиш мақсадида компания ички ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қуйиш;
- Мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва мониторинг тизимини яратиш;
- Рентабеллик кўрсаткичларини белгиланган меъёрда бўлишини таъминлаш;
- Инновацион фаолият самарадорлиги баҳолаш услубиёти ёрдамида компания фаолиятини мониторингни амалга ошириш;
- Бизнес режани автоматлашган тизимини жорий этиш;
- Инновацион лойиҳаларни жорий этилганидан сўнг молиявий натижаларни таҳлил қилиш тизимини яратиш лозим;
- Компания тизимида ходимларни новаторлик ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;
- “Ўзбектелеком” АК ҳамда маҳаллий ва хорижий университетларни лойиҳа менежери, аудитор, иқтисодчи ва бухгалтерлар тайёрлайдиган кафедралар ўртасида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш орқали “Ўзбектелеком” АК инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда киритилаётган ва жорий этилаётган инновацион лойиҳалар ва ахборот тизимлари устидан мониторингни амалга ошириш, компанияни инновацион фаолиятини амалга ошириш учун малакали кадрлар билан таъминлаш ва пировард натижада жорий этилган инновацион хизматлар ва тизимларни рентабеллигини баҳолаш имкониятини беради.

Бу эса ўз навбатида компанияни малакали кадрлар билан таъминланишига, даромадларини ошишига ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлашишига имкон беради.